



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 21 февраль, шанба, №20 (3666).



Президент



ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ТАБРИГИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг муборак Рамазон оғи бошланиши муносабати билан йўллаган табригини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Азиз ватандошлар!

Барчангизни муқаддас Рамазон ойининг бошланиши билан самимий муборакбод этаман!

Рамазон – қалблар покланадиган, инсонни эзгуликка, сабр-тоқат ва бағрикенгликка чорлайдиган, меҳр-оқибат, шукроналик ва ҳамжиҳатлик туйғулари мустақамланадиган улғу ва баракали ойдир.

Бу улғу айём инсонни ўзини англашга, маънавий камолотга интилишга, яхшилик қилишга, ота-она, қариндош-уруғ, кўни-қўшни, ёру дўстларга меҳр-шафқат кўрсатишга даъват этади.

Бугун Қозоғистон ўз моҳиятига кўра тарихий аҳамиятга эга бўлган ислохотлар ва янгиликлар даврига қадам қўйди. Умумхалқ референдумига янги халқ Конституцияси лойиҳаси тақдим этилди. Бу Асосий қонун давлатимизда тараққиёт ва адолатни таъминлаб, кўп асрлик давлатчилигимизни мустақамлайди, сиёсий, фуқаролик ва иқтисодий институтлар самарадорлигини оширишга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Рамазон ойининг маънавий сабоқлари халқимизни янада жипслаштиришга, юртимизда тинчлик-осойишталик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустақамлашга хизмат қилади.

Анъанавий маънавий ва маданий қадриятларимизни асраб-авайлаб, қўллаб-қувватлаган ҳолда, қонун устуворлиги, тартиб-интизом ва поклик, адолат ва ватанпарварлик тамойилларига таянадиган янги миллий тафаккурни шакллантирялмиз.

Бу тамойилларнинг барчаси муқаддас Рамазон ойининг абадий қадриятлари билан ҳамоҳангдир.

Муқаддас Рамазон оғи ҳар бир хонадонга файзу барака, баракот олиб кирсин! Рамазон оғи муборак бўлсин!



МОҲИ РАМАЗОН МУБОРАК!

Қадрли мусулмон биродарлар!
Азиз туркистонликлар!

Барчангизни ўн икки ойнинг султони – муқаддас Рамазон ойининг ташрифи билан чин қалбимдан муборакбод этаман!

Бу ой – шукроналик ва сабр-тоқат, меҳр-шафқат ва кечирим, аймон-эйтиқод ва эзгулик ойдир. Рамазон – қалблар покланадиган, маънавий оламимиз бойийдиган, бир-биримизга бўлган меҳр ва ҳамжўрликни янада мустақамлайдиган улғу ва баракали даврдир.

Рўза ойида муҳтожларга ёрдам бериш, хайр-саховат қилиш, кечиримли бўлиш каби олий инсоний фазилатлар алоҳида улуғланади.

Ушбу баракали ойда тутган рўзаларингиз, дуоларингиз ва амалга оширган хайрли ишларингиз қабул бўлсин! Ҳар бир хонадонга тинчлик-осойишталик, бахт-саодат ва қут-барака тилайман.

Муқаддас Рамазон оғи барчангизга маънавий юксалиш, беҳисоб савоб ва хайр-барака олиб келсин! Юртимиз тинч, халқимиз омон, ҳар бир кунимиз нурли бўлсин!

Н. КҶШЕРОВ,
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ.

Бош прокуратура маълум қилади

РЕФЕРЕНДУМГА ОИД СЎРОВЛАР ЎТКАЗИШДА ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР АНИҚЛАНДИ

Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси 2026 йил 15 март кунини ўтадиган республика референдумига тайёргарлик жараёнида жамоатчилик фикрини ўрганиш юзасидан ўтказилаётган сўровлар ва улар натижаларини эълон қилишда қатор қонунбузарликлар аниқланганини маълум қилди. Назорат органида айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилгани маълум қилинди.

Бош прокурор ўринбосари Е. Утегеновнинг маълум қилишича, Давлат раҳбарининг 2026 йил 11 февралдаги 1170-сонли фармонида мувофиқ, 2026 йил 15 март кунини республика референдуми ўтказилади. Унда фуқароларга қуйидаги савол қўйилади: "Оммавий ахборот воситаларида 2026 йил 12 февралда эълон қилинган Қозоғистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳасини қабул қиласизми?"

Референдумни тайёрлаш ва ўтказиш тартиби Қозоғистон Республикасининг "Республика референдуми тўғрисида"ги ҳамда "Қозоғистон Республикасида сайловлар тўғрисида"ги конституциявий қонунлари билан аниқ белгиланган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, референдумга оид жамоатчилик фикри сўровлари фақат белгиланган талабларга мувофиқ ҳолда ўтказилиши шарт. Оммавий ахборот воситалари ва онлайн-платформалар сўров натижаларини эълон қилганда, уни ўтказган ташкилот (ҳуқуқий шахс) номи, бюрутмачи ва молиялаштирувчи томон, ўтказилган вақт, маълумот тўплаш усули, саволнинг аниқ матни, иштирокчилар сони ҳамда хатлик коэффициентини кўрсатиши шарт.

Бундай сўровларни камида 5 йиллик тажрибага эга, қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтган ҳуқуқий шахслар Марказий сайлов комиссиясини аввалдан ёзма равишда хабардор қилган ҳолдагина ўтказиши мумкин.

Шунингдек, овоз беришга беш кун қолганда ва овоз бериш кунини сўров натижаларини эълон қилиш тақиқланади. Овоз бериш кунини сайлов участкаларида ёки улар яқинида сўров ўтказишга ҳам йўл қўйилмайди. Ушбу талабларни бузган фуқаролар "Қозоғистон Республикаси маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида"ги кодексининг 120-моддасига



Эрқайсымыздың дауысымыз маңызды!

15 НАУРЫЗ МАРТА
РЕФЕРЕНДУМ

«Жобасы бұқаралық ақпарат құралдарында 2026 жылғы 12 ақпанда жарияланған Қазақстан Республикасының жаңа Конституциясын қабылдайсыз ба?» мәселесі бойынша

Референдум : азаматтардың ерікті қатысуы, ойын ашық білдіруі, сондай-ақ жалпыға бірдей, теңе және және жасырын дауыс беру қағидаттары бойынша өткізіледі

Қазақстан Республикасының Орталық референдум комиссиясы
www.election.gov.kz

мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади.

Бош прокуратура маълумотиға кўра, ҳозирга қадар 4та қонунбузарлик ҳолати аниқланган. Улардан Этаси – ноқонуний ўтказилган сўровлар, 1таси – шартли маълумотлар, яъни, ташкилот номи, манзил, солиқ рақами, тўлов маълумотлари ва ҳ.к.)сиз эълон қилинган натижалар билан боғлиқ.

Икки ҳолатда сўровни жисмоний шахслар, бир ҳолатда эса Марказий сайлов комиссиясини аввалдан хабардор қилмаган ҳуқуқий шахс ўтказган. Натижада икки нафар фуқаро ва ҳуқуқий шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, жарима ундирилади. Шунингдек, бир босма нашр эгаси ҳам қонун талабларига риоя қилмагани учун жавобгарликка тортилади.

Қозоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, прокуратура идоралари референдумнинг барча босқичларида қонунлик устидан назоратни таъминлайди.

Шу муносабат билан Бош прокуратура фуқароларни, жамоат ташкилотларини ва оммавий ахборот воситаларини референдумга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида амалдаги қонунчилик талабларига қатъий риоя қилишга қақиради.

ТУРКИСТОН ШАҲРИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлигининг топшириғига мувофиқ, Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси ҳудуди тартибга келтирилиб, 2026 йил 15 февралдан эътиборан мақбара ҳудудига кириш махсус ўрнатилган турникетлар орқали амалга оширилади.

Бу муҳим чора-тадбирнинг асосий мақсади – бутун туркий олам учун муқаддас бўлган зиёратгоҳ, давлатимиз ифтихори, миллий маънавиятимиз таянчи – муқаддас қадамжони асраб-авайлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш, террорчилик хусусиятига эга эҳтиролий хавф-хатарларни қамайтириш, шунингдек, зиёратчилар ҳаракатини тартибга солиш ҳамда ҳудудда олиб борилаётган ишлар устидан

назоратни кучайтиришдан иборат. Энди фуқаролар шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиб, чипта олиб, хавфсизлик текширувларидан ўтгандан кейингина мақбара ҳудудига кириш имкониятига эга бўладилар.

«Ҳазрат Султон» миллий тарихий-маданий музей-қўриқхонаси маъмурияти.



МАҚТААРАЛ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

НУРАЛХАН КӨШЕРОВ
Туркістан облысының өкімі

27.02.2026 Ж.
10.40

Жеке қабылдауға жазылу бойынша байланыс құралдары:
8 (72533) 5-98-99, 5-93-97, 5-98-80

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги «Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида»ги 826-сонли Фармони ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Ўралбайули Кўшеровнинг Мақтаарал тумани аҳолиси билан учрашуви 2026 йил 27 февраль кунини соат 10:40да туман Маданият уйи (Мирзакент қишлоғи, С. Қўжанов кўчаси, 17-уй)да ўтади.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг шахсий қабули соат 12:00да туман «Ёшлар имконият маркази» ДҚК биноси (Мирзакент қишлоғи, С. Жаштаев кўчаси, 81-уй)да ўтказилиши қақида маълум қиламиз.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига ёзилиш 2026 йил 26 февралга қадар, соат 09:00дан 19:00гача (тушки танаффус: 13:00 – 15:00) 8 (72533) 5-98-99, 5-93-97 телефон рақамлари ҳамда «Е-өтініш» ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Тегишли идоралар иштирокини таъминлаш ва самарали мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида мурожаат қилувчининг исми-шарифи, масаланинг мазмуни, яшаш манзили, алоқа телефони ҳамда электрон почта манзили (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши шарт.

ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР, ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИ

Нуралхан Кўшерев Туркистон шаҳри аҳолиси билан учрашиб,
долзарб масалалар муҳокама қилинди

Қозоғистон Республикаси Президентининг “Халқ овозини тинглайдиган давлат” концепциясига мувофиқ, вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев Туркистон шаҳри аҳолиси билан учрашув ўтказди. Унда вилоят раҳбари ўтган йилда амалга оширилган ишларга атрафлича тўхталиб, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўрсаткичлари ва гадаги вазифалар ҳақида баён қилди. Нуралхан Кўшерев давлатнинг қўллаб-қувватлаш чоралари ва тизимли иш натижасида Туркистон шаҳрининг асосий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларида ижобий юксалиш кузатилганини таъкидлади.

2025 йилда ялли минтақавий маҳсулот ҳажми 526,3 миллиард тенгени ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,5 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари ҳажми 2025 йилда 45,9 миллиард тенгеге етди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,3 фоизга кўпдир. Шаҳарда янги бинолар қад ростлаб, сайёҳлик ва ишлаб чиқариш салоҳияти юксалмоқда.

Аҳоли билан учрашувда шаҳар ҳокими Азимбек Пазилбекулининг ўтган йилги ишлар бўйича ҳисобот маърузаси тинланди.

Сўнг шаҳар аҳолиси томонидан кўтарилган масалалар тинг-



ланди. Учрашувда ҳар бир фуқарога ўз фикрини эркин билдириш, арз-шикоятларини тақдим этиш учун тўлиқ имконият берилди. Фуқаролар ерларни ҳужжатлаштириш, бошпана масаласи, инфратузилма, жамоат транспорти, кўп қаватли уйлардаги камчиликлар, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари, уй-жой коммунал хўжалиги, йўл сифати, таълим, сайёҳликни ривожлантириш, ижтимоий иншоотлар қурилиши сингари масалаларни кўтаришди.

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев ҳар бир саволга аниқ жавоб бериб, мутасадди бошқарма ва идора раҳбарлари зиммасига аниқ топшириқлар юкледи. Кўтарилган масалаларнинг босқичма-

босқич ҳал этилиши назоратга олинишини айтди.

Таъкидлаш жоизки, Туркистон вилоятида ишлаб чиқариш корхоналарини очиш, сармоя жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят иқтисодиётига 1,7 трлн тенге сармоя жалб этилиб, бу 121,6 фоиз ўсимни таъминлади. Унинг 1,1 триллион тенгеси – хусусий сармоя. Иқтисодиётни ранг-баранглаштириш мақсадида ўтган йили 340 миллиард тенгеге 58та сармоявий лойиҳа ишга туширилиб, 8 мингдан зиёд иш ўрни очилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Вилоят маслаҳатида

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Саккизинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдаги йиғирма биринчи сессияси ўтди. Уни вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов олиб борди, 18та масала муҳокама қилинди. Сессияда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов, шаҳар, туман маслаҳати раислари, Туркистон шаҳар ва Мақтаарал тумани ҳокимлари, вилоятдаги давлат идоралари раҳбарлари, вилоят жамоат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Туркистон шаҳри ва Мақтаарал тумани ҳокимлари шаҳар ва туманга республика, вилоят бюджетидан ажратилган маблағлар ҳақида маълумот беришди. Шунингдек, вилоят иш билан таъминлашни мувофиқлаштириш ҳамда ижтимоий



дастурлар бошқармаси, соғлиқни сақлаш, ер муносабатлари ҳамда давлат меъморчилик-қурилиш нazorat қилиш бошқармаси раҳбарларининг ҳисоботлари тинланди.

Депутатлар давлат идоралари раҳбарларининг ҳисоботлари юзасидан қарор лойиҳаларига доир тадбирларни янада жонлантириш борасида ўз тақлифларини билдиришди.

Сессияда 2026-2028 йилларга мўлжалланган вилоят бюджетига ўзгаришлар киритиш тўғрисида қарор қабулланди. Шунингдек, депутатлар минтақани бошқариш тизимига таҳрир киритиш масаласини кўриб чиқдилар. Қабул қилинган қарорга мувофиқ, вилоятда Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этиладиган бўлди.

Шунингдек, кадрлар ўзгаришига доир, вилоят ҳокимлиги шахсий таркибдаги ўзгаришларга розилик берилди ҳамда вилоят ҳокимлиги қошидаги қатор комиссияларнинг таркибига ўзгаришлар киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари З. Жўлдасов сессия ишини якунлаб, маслаҳат фаолиятига муваффақият тилади.

М. УСМОНОВА.

ДАВЛАТ ЭҲТИЁЖИ УЧУН ЕРНИ ЭГАЛИКДАН ЧИҚАРИШ БОШЛАНДИ

Туркистон вилояти ҳокимлигининг 16.02.2026 йил 50-сонли қарори

Ер участкаларини давлат эҳтиёжи учун эгаликдан
мажбурий чиқаришни бошлаш тўғрисида

Қозоғистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 16-модда 1-бандининг 9)-бандчаси, 84-модда 2-бандининг 4)-бандчасига, ҚРнинг “Давлат мулк тўғрисида” Қонунининг 63-модда 2-бандига мувофиқ ҳамда Қозоғистон Республикаси Хукуматининг 2022 йил 30 декабрдаги “Қозоғистон Республикаси транспорт-логистика салоҳиятини ривожлантиришнинг 2030 йилгача концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 1116-сонли қарори асосида, Туркистон вилоят ҳокимлиги ҚАРОП ҚИЛДИ:

1. “Дарбаза – Ўзбекистон билан давлат чегараси” темир йўл тармоғи қурилиши лойиҳасини Туркистон вилояти, Жетисай тумани, Ш. Дилдабеков қишлоқ округида жойлашган ер участкаларини мазкур қарорнинг иловасига мувофиқ,

расмий эълон қилинган кундан бошлаб, уч ой мобайнида мамлакат эҳтиёжи учун эгаликдан мажбурий чиқариш бошлансин.

2. Ер участкалари эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан келишув тартиб-таомилларни амалга ошириш юзасидан ваколатли орган этиб, Жетисай туман ҳокимлиги белгилансин.

3. Жетисай тумани ҳокимлиги Қозоғистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ушбу қарордан келиб чиқадиган зарур ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўрсин.

4. Мазкур қарорнинг ижроси назорати Туркистон вилоят ҳокимининг мутасадди ўринбосарига юклатилсин.

Н. КЎШЕРОВ,
вилоят ҳокими.

Туркистон вилоят ҳокимлигининг 2026 йил 16 февралдаги 50-сонли қарорига ИЛОВА

“Дарбаза – Ўзбекистон билан давлат чегараси” темир йўл тармоғи
қурилиши лойиҳасининг ижросини таъминлаш мақсадида

Туркистон вилояти, Жетисай тумани, Ш. Дилдабеков қишлоқ
округида жойлашган давлат эҳтиёжи учун эгаликдан мажбурий

чиқариладиган ер участкаларининг рўйхати

№	Ер эгаси, фойдаланувчи	Кадастр рақами	Умумий ер майдони, га	Тасарруфдан чиқариладиган ер ҳажми, га	Режаси
1.	Айдаров Еркебай Саурбаевич	19-288-062-021	4, 4500	0, 2207	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
2.	Жуманов Асқар Амирханович	19-288-062-1561	5,8800	0,3103	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
3.	Сманов Мухтархан	19-288-062-1075	3,1500	0,1637	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
4.	Бекбердиева Алтинай	19-288-062-640	3,1500	0,1715	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
5.	Кенжебеков Дауиржан Каналкулович	19-288-062-299	4,8900	0,2173	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
6.	Турсинбеков Хамит Нариманович	19-288-062-293	7,9900	0,3817	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
7.	Сабитова Бақтикул	19-288-062-758	4,1400	0,2471	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
8.	Жусипова Айзада Бапаевна	19-288-062-686	2,5400	0,1374	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
9.	Қадирова Салтанат Сатилхановна	19-288-062-980	2,7600	0,0829	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
10.	Ашимтаева Назира Абдалимовна	19-288062-771	2,3500	0,0077	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
11.	Ўразимбетова Райхан Алибаевна	19-288-062-1155	2,3130	0,0376	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
12.	Ўртаев Камалбек Лесович	19-288-062-1214	3,6700	0,1529	Деҳқон хўжалигини юритиш учун

13.	Кўшқаров Алдаберген Тажибаевич, Кўшқаров Тлеуберген Тажибаевич, Кўшқаров Бақберген Тажибаевич, Кўшқаров Нурберген Тажибаевич, Кўшқаров Танирберген Тажибаевич, Кўшқаров Алдаберген Тажибаевич, Кўшқаров Тлеуберген Тажибаевич	19-288-062-523	6,1530	0,0886	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
14.	Алменбет Манап Ҳуралиули	19-288-062-1217	3,1700	0,1701	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
15.	Алипов Нурман Жапарович, Алипов Биржан Жапарович, Шўлпан Ермуратовна, Алипов Биржан Жапарович	19-288-062-157	5,8500	0,0837	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
16.	Бейсенбиев Ҳамит Заруханович	19-288-062-1094	3,1500	0,0257	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
17.	Адилбеков Қуанишбек Бабанович	19-288-062-1221	3,5600	0,1368	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
18.	Сейлбек Нурмахан Каналбайули	19-288-062-433	7,0900	0,0000	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
19.	Умирбеков Айтбек Елемесович	19-288-062-907	9,2400	0,1364	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
20.	Ескеров Ҳамит	19-288-062-650	5,9600	0,3212	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
21.	Нуранов Серик Султанбекович	18-288-062-439	4,4900	0,0495	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
22.	Тажибаев Еркебай	19-288-062-432	6,5330	0,0241	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
23.	Каринбаев Яхия Асабаевич	19-288-062-402	2,7000	0,0000	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
24.	Шиникулов Сапарбай	19-288-062-530	5,5700	0,0195	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
25.	Алиханова Қурманкул	19-288-062-753	5,0600	0,0110	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
26.	Шиникулов Аралбай Ерсариевич	19-288-062-752	2,6800	0,0096	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
27.	Муратова Бейсенгул Бейсенбаевна	19-288-062-751	4,0900	0,0151	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
28.	Мирзақулов Батирбек Жанатович	19-288-062-488	5,3600	0,2512	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
29.	Қанлибекова Ширин Калибековна	19-288-062-488	5,3600	0,2512	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
30.	Зулпихаров Жексенбай	19-288-062-894	3,4500	0,0450	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
31.	Маликов Аблаш	19-288-062-981	4,5800	0,0056	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
32.	Ашимтаев Амантай Жумадиллаевич	19-288-062-723	8,2000	0,0581	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
33.	Зулпихарова Қалдиқиз Ҳасановна, Зулпихаров Мурат Сейтқасимович	19-288-062-750	8,5600	0,1261	Деҳқон хўжалигини юритиш учун
Туманнинг бўш участкалари				3,0991	
Жами:				156,3690	6,9943

»» Туркистондаги Абдиғаппар Шаймерденули ташкил этган “Қуаныш” МЧБнинг 30 йиллиги

БАРАКАНИНГ БОШЛАНИШИ

Туркистонда фаол жамоатчи обуначимиз, вилоят маслаҳатининг депутаты, давлатимиз сиёсатини тарғиб этувчи кўплаб жамоат ташкилотлари ҳамда собиқ “Қуаныш” МЧБ, ҳозирги 1650 тadbиркор фаолиятини самарали бирлаштирган савдо уйи раҳбари Инара Абдиғаппар қизи Намазбаева бошчилигида ажойиб тadbир ўтди.



Мархум Абдиғаппар Шаймерденули ташкил этган савдо муассасасига 30 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилган мазкур анжуман вилоят миқёсида юксак савияда ўтди. Вилоят ҳокими Н. Кўшеров номидан вилоят маслаҳати раиси Н. Абишев Инара Абдиғаппар қизига “Вилоят равнақиға синдирган хизматлари учун” медалини тақдим этаркан, унинг эл равнақи йўлидаги меҳнатсеварлигини таърифлаб, “Эркаклар бажара олмайдиған кўламдор вазибаларни муваффақиятли рўёбға ошираётган ишчан аёл” деб ҳурмат ила таърифлади. Туркистон, Кентов шаҳарлари ҳамда Саврон тумани ҳокимлари Азимбек Пазилбекули, Жандўс Тасов, Мақсат Тангатов, вилоят маркази маслаҳат раиси Гаппар Сарсенбаев каби кўплаб нуфузли



меҳмонлар 1650 тadbиркор меҳнат қиладиған “Қуаныш” савдо маскани фаолиятини самарали ташкил этаётган тadbиркор Инара Абдиғаппар қизига, волидаи муҳтарамаси Дуйсенкул Жамбулова, укаси Қуаниш Абдиғаппарули, синглиси Баян Абдиғаппар қизи ҳамда улкан, аҳил жамоаға самимий тилакларини изҳор этишди. Инара Абдиғаппар қизига “Туркистон шаҳри равнақиға кўшган хиссаси учун” кўкрак нишони ҳурмат эҳтиром билан тақдим этилди. Жамоадаги Талғат Садуақасов каби бир гуруҳ пешқадам вакилларға ҳам мукофотлар, ташаккурнома-лар тантанали тақдим этилди.

1962 йили “Колхоз бозори” сифатида ташкил этилган, озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда бир чеккасида чоршанба, яқшанба кунлари мол бозори ҳам фаолият юритган, бугунги кунда Қозғоғистон Республикаси миқёсида пешқадам савдо муассасаси даражасига эришган “Қуаныш” шаъниға миннатдорчилик билдирувчилар сони жуда кўп. 2015 йили содир бўлган кучли ёнғиндан сўнғ “Қуаныш”даги савдо иншоотлари ёнғин хавфсизлиги қойдаларига мувофиқ янгидан бунёд этилди.

Туркистон вилояти равнақиға хисса кўшган меҳнат фахрийлари – Муҳаббат Абдусатторова, Раъно Абдуллаева, “Қуаныш” жамоаси фахрий ходимлари М. Атанбаев, Б. Сандибаев, Т. Садуақасов, Т. Шабидинов, Ф. Матиеваларнинг самимий тилак, дил изҳорларини ён дафтарға қайд этдим. Ушбу тadbирнинг яна бир муҳим ўзгачалиғи – “Береке бастауы” деб номланган, савдо муассасасининг 30 йиллиғига бағишланган 303 саҳифали, Алмати шаҳридаги нуфузли босмаҳонада сифатли нашр қилинган китобнинг тақдимот маросими ҳам ўтди.



Барча меҳмонларға ушбу китоб тўхфа сифатида тортиқ қилинди. Бу – Туркистоннинг тарихий, туристик ҳамда маънавий марказ сифатидаги нуфузига узукка кўз қўйгандек муносиб иш бўлганлигини таъкидлашимиз жоиз. 2019 йили А. Шаймерденули хотирасига бағишлаб, оила аъзолари 475 саҳифали “Абдиғаппар Шаймерденов” деб номланган хотира китоби нашр қилишган.

Кечаги кун бугун, бугунги кун эртага тарих. 1949 йили июнь ойининг 15 санасида туғилган, ёшлиғида кўп қийинчилик кўриб, уларни ёнғиб ўсган А. Шаймерденули Туркистондаги 386-сонли Ал-Форобий номли мактабдан

сўнғ Қапланбек техникумини, Алмати технология институтини тамомлаган. Умр йўлдоши Дуйсенкул Жамбулова билан муштарак ҳаётлари давомида Инара, Баян ва Қуаниш исмли қобил фарзандлар тарбиялаган. Қозғоғистон Республикасининг “Пешқадам бозор раҳбари”, “Қозғоғистоннинг пешқадам бозори” унвонларига сазовор бўлган. Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, “Ерен еңбегі үшін” медали билан тақдирланган, жамоат тотувлиғи кенгаши аъзоси, спорт, маданият, матбуот соҳаларининг доимий жонкуяри. Туркистон, Кентов шаҳарлари, Саврон тумани қишлоқлари аҳолисига ибратли хизмат кўрсатган Туркистон марказий бозорини кечаю-кундуз ишлайдиған ибратли маскан даражасига етказиш учун кўп меҳнат қилган, барчага баравар муомалада бўлиб, беҳад



хурматға сазовор бўлган фаол обуначимиз Абдиғаппар Шаймерденули 2018 йили 3 май кунни фонийдан чин дунёға рихлат қилди. Туркистоннинг марказий “Қорақўз” қабристониде унинг қабри тепасидаги мармартошға шундай сўзлар битилган:

Адасқанға жол
сілтёр - темірқазық,
Әулетіңе ақылың болған азық,
Нашарға қорған болдың,
дауын шештің
Шындықтың шыңырауын
қолдан қазып.

Хайрли ишлари билан эл ёдида мангу барҳаёт Абдиғаппар оғамизнинг рухлари шод, охиратлари обод бўлсин. Унинг масъулияти мўл ишларини изчил давом эттираётган тўнғич фарзанди Инара Абдиғаппар қизига ҳамда у самарали бошқаратган улкан, аҳил жамоаға мустаҳкам саломатлик, омад, янги зафарлар тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: “Қуаныш” МЧБ 30 йиллиғига бағишланган тadbирдаги нуфузли меҳмонлар ташрифи; “Өбдигаппар Шаймерденов” ва “Береке бастауы” китоблари; И. Намазбаева падари бузруквори билан.

Муаллиф суратға олган.

ҲАР БИР ОВОЗ МУҲИМ

Шимкент шаҳридаги вилоят шифохонасида Конституциявий ислохотларға бағишланган учрашув ўтди. Унда Туркистон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбари Асхан Байдуалиев Туркистон вилоят жамоатчилик кенгаши раиси Байдилда Жилқишиев, шифохона раҳбарияти, шифокорлар ва ҳамширалар иштирок этди.

Учрашувни Асхан Мархабаули очиб, ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва жамият ҳаётидаги аҳамиятига қисқача тўхталди.

Сўнғ сўз Байдилда Жилқишиевга берилди. У Конституциявий ислохотлар бўйича комиссия аъзоси сифатида амалға оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

– Конституциявий ислохотлар давлат бошқарувини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишға қаратилган. Асосий мақсад – адолатли ва очик жамият барпо этиш, – деди у.

Учрашув давомида шифохона

ходимларини қизиқтирган саволларға жавоб берилди.

Учрашув очик мулоқот шаклида ўтди. Тadbирда, шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий саводхонликни ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Б. Жилқишиев барча иштирокчиларни 2026 йил 15 март кунни бўлиб ўтадиған референдумда фаол иштирок этишға чақирди.

У референдумнинг мамлакат келажағи учун аҳамиятли жараён эканлигини таъкидлаб, ҳар бир фуқарони овоз беришға даъват этди.

М. ЭЛТОЕВА.

ҲАМЖИҲАТЛИҚДА ГАП КЎП

Тараз шаҳридаги “Дўстлик уйи”да ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти ташаббуси билан, Жамбил вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси томонидан “Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз” мавзуида маърифий-тарбиявий семинар ўтди.



Тadbир миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, урф-одатларимизни ёш авлодға етказиш ҳамда жамият ҳаётидаги долзарб муаммоларни ўзаро ҳамжиҳатлик асосида муҳокама қилишға қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этди. Тadbирда “Дўстлик” ҳамжамияти раиси муовини Ғани Каримов, Жамбил вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Набижон Салоҳиддинов 15 март – конституциявий ислохотлар бўйича референдумнинг моҳияти борасида фикр билдириб, барчани фуқаролик бурчини адо этишға чақирдилар.



Оқсоқоллар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, мазмунли маърузалар ва ҳаётий тажрибалар иштирокчиларда қизиқиш уйғотиб, жамоатчилик эътиборини ўзига жалб этди. Шу билан бирга, Жамбил вилояти ўЗЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Ф. Ҳасанов, тadbиркорлар палатаси раиси Т. Зокиров ҳамда спорт ва маданият бўйича раис маслаҳатчиси Н. Абдуллаевлар тўй маросимлари ва аза-жаноза тadbирларини тартибға солиш, ортиқча исрофгарчиликнинг олдини олиш, миллий анъаналаримизға ёт бўлган урф-одатларға чек қўйиш каби масалалар юзасидан мазмунли фикрларни илгари сурдилар. Ўзаро мулоқот шаклида ўтган семинар жонли мулоқот майдониға айланди.

**Саид ҲАЙРУЛЛОҲ,
Нурали АБДУЛЛАЕВ.**
Тараз шаҳри.

ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Шимкент шаҳридаги Муқимий номидаги 13-сонли умумтаълим мактабида учрашув ўтди. 133 нафар устоз-мураббий фаолият юритаётган, 1404 ўқувчи тахсил олаётган таълим муассасасида вақтинча раҳбарлик қилаётган, яъни директор вазифасини бажараётган Азиза Қаюмова ташкилотчилиғида юқори синф ўқувчи қизлари иштирокида эрта ҳомилдорликнинг олдини олиш, шахсий гигиена ва қиз боланин оиладаги тарбиясига бағишланган суҳбат уюштирилди.

Мактабға ҚР “Дўстлик” ҳамжамиятининг Оналар кенгаши вакиласи, малакали шифокор Манзура Отахўжаева, 4-сонли шифохона руҳшуноси Меруерт Муташ, социолог Қуралай Кенес ташриф буюриб, мактаб ҳамшираси Гулнора Умарова, устозлари Дилфуза Мусаева ва Феруза Мусахонова иштирокчилар билан мулоқотда бўлишди. Тиббиёт соҳаси вакиллари бугунги ўсмир қизларнинг жинсий тарбияси, гигиенаси юзасидан қизиқарли ахборотларни тақдим этишди. Ўқиш, ўрганиш билан бир қаторда, қизлар ўз соғлиғига эътибор қаратишлари зарурлиғи алоҳида таъкидланди. Айниқса, келажакда соғлом авлодни дунёға келтириш уларнинг муқаддас вазифаси эканлиғи қайд этилди. Мактаб

ёшидаги қизларнинг ҳомилдор бўлиб қолиш ҳолатлари учраётгани, ва бунинг салбий оқибатларини кенгроқ тушунтиришди. Қиз бола тарбиясида оилавий муҳит, ижтимоий ҳаётнинг ҳам бевосита таъсири катта. Бу ҳақда устозлар маъруза қилишди.

Мактабларға бориб, ўқувчи қизларнинг соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлигини тарғиб қилишға қаратилган турли тadbирлар, давра суҳбатлари ўЗЭМБ фаоллари томонидан мунтазам ташкил этилмоқда.

Эртанги кунимиз давомчилари бўлган қизларимиз соғлиғини, тарбиясини уйлаш, энг аввало, уларни келажакда хатарли ҳолатлардан сақлайди, албатта.

Н. МАВЛОНОВА.

ЕРНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЭЛ АЗИЗ



Тўлебий туманида жорий йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 12 миллиард тенгега етказиш кўзланган. Бу йўналишда туманда қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Туман ҳоқими матбуот хизматидан олинган расмий маълумотларга кўра, 2025 йилда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 11,6 миллиард тенгега етган.

2025 йилда 6,2 миллиард тенгелик 8та йирик сармоявий лойиҳа амалга оширилиб, юзлаб янги иш ўринлари яратилди. Шу жумладан, «Қазығұрт бақтары» қишлоқ матбуот ширкати меваларни қайта ишлаш цехини ишга туширди (смета қиймати – 4,1 миллиард тенге).

«Азия Милк» МЧБ 550 бош сигир харид қилиб, сутчилик фермасини (1 миллиард тенге) ҳамда 150 бош мол учун бўрдоқилаш майдони (200 миллион тенге)ни, «Биринчи Май» МЧБ 100 бош сигир харид қилиб, сут фермаси (300 миллион тенге)ни, «FISH HOUSE» МЧБ эса балиқчилик хўжалиги (250 миллион тенге)ни ишга туширди.



– Давлат раҳбари «ақлли» қишлоқ хўжалиги учун автоматлаштирилган тизимлар ва технологияларни оммалаштиришни топширди. Бу туманда боғдорчиликни ривожлантиришни янги босқичга кўтаради, – дейди туман ҳоқими Еркеғали Алимқулов. – Аҳоли сони йилдан йилга ўсиб бораётгани, сув, электр энергияси ва бошқа табиий захиралар чекланганини ҳисобга олсак, «ақлли» қишлоқ хўжалигининг аҳамияти нақадар юксак эканини англаймиз.

Кўксаёқ қишлоғидаги «АДС Агро» МЧБ бўрдоқчилик билан шуғулланиб, ҳозирда 1800 бош қорамол боқмоқда. Хўжалик келгусида улар сонини 4000 бошга етказишни режалаштирмоқда. Тасариқ қишлоғида 15 гектар майдонда узум етиштириб келаётган Сабиржан Танабаев эса мевани қайта ишлаш цехини очишни кўзламоқда. Бунга 200 миллион тенге сармоя жалб этилади.

Вилоят ҳоқимининг топшириғига кўра, минтақада обикор деҳқончиликни ривожлантиришга қаратилган 120та лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар ҳисобига бир йилда икки марта ҳосил олиш режалаштирилган. Мазкур тадбирларга 3 миллиард 500 миллион тенге сармоя йўналтирилиб, 95 киши доимий иш билан таъминланади.

– Аҳоли турмуш даражаси бандлик ва даромад ва яшаш шaroити билан белгиланади. Шу боис туманда намунавий уй-жойлар ва ижтимоий-маданий иншоотлар барпо этилмоқда, қишлоқ инфратузилмаси жадал ривожланмоқда. Юзлаб қақирим ички ва республика аҳамиятига молик йўллар таъмирланиб, ичимли сув тармоқлари янгиланмоқда, – дейди туман раҳбари.



Шунингдек, тадбиркорликка кенг йўл очилиб, асаларичилик, паррандачилик ҳамда чорвачилик хўжаликлари фаол ривожланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида келгуси беш йилга мўлжалланган кенг қамровли дастурлар амалга оширилмоқда. Натижада иссиқхоналар сони ошиб, сабзавотчиликда туманимиз вилоятда етакчи ўринларга чиқиш имкониятига эга бўлмоқда.

Зертас қишлоғида Ўнғар Абдураимов томонидан ташкил этилган «Жана қуш» деҳқон хўжалигидаги 25 гектар ерда томчилятиб суғориш технологияси жорий қилиниб, боғ барпо этилди. Хўжалик 37 кишини доимий ва мавсумий иш билан таъминламоқда. Бу ерда олма, нок ва олхўри етиштирилмоқда.

Ҳозирги кунда туманда маҳсулотларни сақлаш, сотиш ва қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш бўйича деҳқон хўжаликлари билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

– «Қишлоқ омонати» дастури доирасида 2025 йилда 72та лойиҳани молиялаштириш учун 482,7 миллион тенге ажратилди. Суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш мақсадида бирқанча сув омборлари барпо этилмоқда. Сайёҳлик соҳасида 22,5 минг меҳмонга 681 миллион тенгелик хизмат кўрсатилди. 2026 йилда 50,3 минг сайёҳ ташриф буюриши кутилмоқда. Йил охиригача 4,2 миллиард тенгелик 12та сайёҳлик лойиҳаси ишга туширилиб, 151та янги иш ўрни яратилади, – дейди туман раҳбари.

Шунингдек, фойдаланилмаётган ва ноқонуний ўзлаштирилган ерларни давлатга қайтариш тадбирлари доирасида 2025 йилда 3 минг гектар яйлов аҳолига қайтарилди.

Туманимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аграр соҳа ва сайёҳлик йўналишини юксалтириш, янги иш масканларини барпо этиш ҳамда сармоя ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш – аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

А. АБДУФАТТОҲ

»» Саодат манзиллари

Тўлебий тумани, Султонрабoт қишлоғида бир асрга тенг ҳаёт йўлини босиб ўтган, сабр, матонат ва меҳр тимсоли бўлган онахон – Бўстон Дўсмаатованинг 100 ёшга тўлиши улкан эҳтиром ва самимий қувонч билан нишонланди. Бу муборак сана фақат бир инсоннинг таваллуд куни эмас, айни чоғда халқимиз тарихининг тирик гувоҳи, авлодлар учун ибрат мактаби бўлган онахон умрининг улуг тантанасидир.

Бўстон она очарчилик, уруш, урушдан кейинги оғир тикланиш йилларига гувоҳ бўлган, тақдирнинг не-не машаққатла-

АСРГА ТАТИГУЛИК УМР – МУБОРАК ТАҚДИР

рини сабр билан енгиб ўтган жасоратли аёлдир. Уруш йилларида фронторти фахрийси сифатида пўстин тикиш цехида тикувчи бўлиб меҳнат қилди. Бу меҳнат ҳар бир аскар учун иссиқ кийим, ҳар бир оила учун умид, ҳар бир ғалаба учун қўшилган ҳисса эди. Кейинчалик туман алоқа бўлими қошидаги радиоузелда ишлаб, аҳолига ахборот етказиш, ки-



шилар қалбига ишонч ва умид улашишдек масъулиятли вазифани шараф билан адо этди.

Бу улуг сана муносабати билан туман жамоатчилиги вакиллари онахоннинг хонадонига ташриф буюриб, самимий табрикларини изҳор этдилар. Хусусан, туман маслаҳати раиси Нурлан Қўйбағаров, депутат Дилмурод Умаров, Ленгер шаҳри ҳоқими Мақсат Жумабаев ҳамда қишлоқ ҳокимлиги ходими Азимхан Ўспанов Бўстон онага самимий тилаклар билдириб, дуоларини олдилар. Меҳрибон она фарзандлари билан бирга дастурхон ёзиб, меҳмонларни очик кўнгил билан қарши олди. Бу шодиёна бир инсоннинг эмас, балки бутун бир авлод, ҳатто бутун қишлоқнинг қувончига айланди.

Бўстон она умри давомида 11 нафар фарзандни вояга етказиб, уларни ҳалол меҳнат, пок виждон ва инсонпарварлик

руҳида тарбиялади. Бугун у фарзандларидан 60 нафардан ортиқ неварачеваралар суйиб, уларнинг камолидан бахтиёр бўлиб келмоқда. Бу – ҳар қандай она учун энг олий саодат. Ана шу оилавий муҳит, меҳр ва самимият Бўстон она умрининг энг ёрқин самарасидир.

Бир аср. Бу йиллар ичида қанча изтироб, қанча қувонч, қанча орзу-умидлар жамланган. Бўстон она эса ана шу йилларни шукроналик, сабр ва меҳр билан безаб, ҳаётнинг ҳақиқий маъносини намоён этиб келмоқда.

Қариясини қадрлаган элнинг баракаси ортади, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, Бўстон она каби улуг инсонларнинг мавжудлиги жамиятимиз учун катта бойлик, ёшларимиз учун тирик ибрат мактабидир.

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ,
жамоатчи муҳбир.



Ўтган ҳафтада туманимизда бирлик, ҳамжиҳатлик ва фидойилик руҳи ўзида мужассам этган мазмунли тадбирлар ўтди.

Собиқ Иттифоқ қўшинларининг Афғонистон ҳудудидан олиб чиқилганига 37 йил тўлиши муносабати билан уруш фахрийлари ташаббуси асосида тантанали хотира маросими ўтказилди. «Ғалаба» боғидаги Мангу олов пойига гулчамбарлар қўйилиб, Ватан учун жон фидо қилган мард ўғлонлар хотираси бир дақиқа сукут билан ёд этилди.

Маданият уйида давом этган тадбирда туман маслаҳати депутати Дилмурод Умаров бир гуруҳ фаол фуқароларни ташаккурномалар билан тақдирлаб, жасорат ва фидойилик намунасини кўрсатган юртдошларимизга юксак эҳтиром билдирди.

БИРЛИК, ФИДОЙИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ САБОҚЛАРИ



«Ёшлар саройи»да туман тадбиркор хотин-қизлари кўмитаси ташаббуси билан «Ишбилармон хотин-қизлар ва бизнесдаги янги технологиялар» мавзуида анжуман ўтди. Унда туман маслаҳати депутатлари иштирок этиб, ҳудуд иқтисодиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган ишбилармон хотин-қизлар фаолияти алоҳида эътироф этилди. Депутат Ербўлат Жабаев уларнинг бир гуруҳига туман маслаҳатининг фахрий ёриқлари ва ташаккурномаларини топширди. Анжуман доирасида тадбиркорликни ривожлантириш, тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик масалалари кенг муҳокама қилинди.

Шу кун туман фахрийларининг тўққизинчи конференцияси ўтказилиб, унда янги раис сайланди.

Юрт равнақи йўлида кўп

нинг таъсис йиғини ўтди. Ушбу ташаббус жамият ҳаётида фуқаролик фаоллигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ҳафта якунида қишлоқ ҳокимлари жамоаси ҳамда туман маслаҳати депутатлари ўртасида кичик футбол бўйича дўстлик учрашуви ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган ҳафта – жасоратга эҳтиром, меҳнатга эъзоз, каттага ҳурмат ва ёшларга ғамхўрлик руҳида ўтган мазмунли тад-

бирларга бой бўлди. Туман ҳаёти ана шундай бирлик, фидойилик ва масъулиятга асосланган амалий ишлар билан янада юксалишига ишончим комил.

Нурлан ХАМЗАУЛИ,
Тўлебий туман
маслаҳати раиси.

НЕЪМАТЛАР... ТАЖРИБА, ТАФАККУР, ШУКРОНАГА ЕТАКЛАР



ҳақида суҳбатлашдик.

Ҳозирги шиддатли ва таҳликали замонда инсон кўлидаги бор неъматларини қадрлашни унутмаётгандек, гўё. Ҳолбуки, насибамиз бисёр, ризқ ҳам, имкониятлар ҳам етарли. Атрофимиз ахборотга, қулайликларга тўла. Аммо назаримиз кўпинча насиб этмаган томонга қараб кетади. Аслида эса бахт шукр айтилган қалбда пайдо бўлади. Кўлимиздаги телефон орқали яқинларимиз овозини эшитамиз, олис масофалар яқинлашади. Ижтимоий тармоқлар ҳаётимизга турли маълумотларни олиб кирмоқда. Буларнинг барчаси – неъмат. Масала, уни англаш ва қадрлай билишда.

Шу ўринда, табиий савол туғилади: нега айрим аёллар қийинчиликка қарамай, юзида табассум, тилида шукр билан яшайди. Нега баъзилар тўқинчиликка қарамай, норозиликка баҳона излайди? Аёллар қалбига шукроналик уруғини сепаётган, уларни ҳаётга бошқача нигоҳ билан қарашга ўргатаётган, уларни ушбу тушунчага етаклаб, эътиборни ички дунёсини бойитишга қаратиш муҳимлигини ўргатаётган ҳамюртларимиз бор ва уларнинг фаолияти жамиятимиз учун катта аҳамиятга эга.

Нодира ГУЛМАТОВА шулар жумласидан. Унга ҳар куни кўплаб аёллар мурожаат қилишади, маслаҳат сўрашади. Суҳбатлар давомида улар ўзининг яшаш бахти, аёллик мақоми, она ва рафиқа бўлиш масъулияти нақадар улуг эканини чуқурроқ ҳис қила бошлайди. Ана шу англаш қалбда шукроналик туйғусини уйғотади. Улар ўз устида ишлашади, эзланиб, дунёқарашини тахрирлашади, феъл-атворини ислоҳ қилиб, оиладаги муҳитни анча яхшилашган. Уша пайтда бир ёқлама ёндашув сабаб юзага келган муаммолар бартараф этилади, талай оила сақлаб қолинди. Мутахассис билан оила муҳити, ўсмир фарзандлари билан тўғри муомалани шакллантириш, китоб муталааси, шукрона, қалб гўзаллиги

Нодирахоннинг орзуи шифокор бўлиш эди, бироқ тақдир тақозоси билан онасининг касби – тикувчиликни таллади. Сўнг тиббиёт билим юртига ҳам ўқишга кирди. 15 йил мобайнида фельдшер бўлиб ишлади. Болалигидан баскетбол, каратэ спорт тўғрисида қатнашди. Турли курсларга бориб, тилларни ўрганди. Ота-онаси уни келинликка пухта тайёрлади – қандолатчилик, миллий ва европача таомлар ошпазлиги, тикувчилик, парда дизайни курсларини сабоқ олиб, амалиётда фойдаланибгина қолмай, оила аъзоларининг қалбига йўл топа олди. У доим изланувчан аёллар сирасидан. Тиббиётга қизиқиш уни хусусий клиникаларга етаклади. Беморларнинг дардига дармон бўлиб, уларнинг дуосини олди. Унинг қўллари беморларга шифо улашди. Аҳиллик, оилавий қадриятлар қадрланган хонадонда камол топгани унинг ҳаёт йўлида ҳам яққол сезилди ва бу анъаналар авлоддан авлодга ўтиб, ёшларга ибрат вазифасини ўтамоқда. Айниқса, қарийб тўқсон ёш остонасида оламдан ўтган Зебиниса бувининг ҳаёт мактаби бу сулолада алоҳида хурмат билан тилга олинади. У зот оилани бошқаришнинг нозик жиҳатларини, меҳр билан тарбиялаш, мураса билан бирлаштириш сирларини ўз ҳаётида намоён этган эди. Балки, шунинг учундир, уч амакиннинг 5 нафар қизи бугун ҳам туғилиб, вояга етган гўшасида бир кунда жамланади. Йиллар ўтсада, бу одат йўқолмади, аксинча, сулопанинг энг гўзал ва қадрли анъанасига айланди. Тўй-ҳашамлар, катта йиғинларда ҳам уларнинг аҳиллиги, жипслиги кўзга яққол ташланади. Қадрдонларнинг, суянчиқ бўладиган инсонларнинг борлиги бир-бирига руҳий қувват бағишлайди.

– Бувимнинг руҳлари шод бўлсин, жуда оқила инсон бўлганлар, – дейди Нодирахон. – Аёл нозиклиги, фахуфаросати, нафосату латофати билан яқинлар ўртасидаги қариндошлик ришталарини янада чамбарчас боғлаган, уларни мустаҳкамлаб кетган она бўлган эди. Жамиятимиз оила тинчлигини барча нарсадан – ўзининг иззат-нафси талабларидан устун қўядиган ана шундай қайноналарга ҳамisha муҳтож.

Ҳаёт турли синовларини аямаяди. Янги оиладаги мослашиш, қайнона-келин, эр-хотин муносабатларидаги муаммолар, бирин-кетин фарзандлар туғилиши, уларни вояга етказишдаги кўникмаларни шакллантириш, инсон руҳиятини тоғлаб борган юксалиш зинапоялари, аслида. “Нега, нима учун, нима учун айнан мен”, каби саволларни мушоҳада қилиб, улар устида теран ўйланиб, олинган англашлар, хулосалар бой тажрибага айланди.

– Кенжа қизимни боғчада болакай тиллаб олгани тўғрисида қаттиқ қўрқиб оқибатида фалажланиб, ҳатто оёқ қўли ишламай қолди, – давом этади суҳбатдошим. – Тошкентга хусусий клиникага олиб бордик, муолажаларни бошлаб юборишдик. Қаерда янглишганимни, кимга ёмонлик қилганим, нима учун бегуноҳ қизалогимга бундай синовлар берилаётганини ўйлаб, ўзимни тафтиш қила бошладим. “Нега мен, нега қизим”, деган саволлар ёғиларди. Бир куни муолажаларни олиб бўлгандан сўнг, қизимни кучоқлаганча телевизор томоша қилиб ўтирсак, “Зирапча” кўрсатуви эфирга узатилаётган экан. Рухшунос Азизахон Тошхўжаева кўрсатувда аёлларга ўзларининг тақдирини ҳар бир ҳолатига шукрона ёзишни ўргатаётган экан. Аллоҳдан қизимнинг саломатлигини, менга ҳаёда этилган омонатини қолмиш шифо билан қайтариб беришини сўраб, ҳаётимнинг ҳар бир они учун шукрона ёздим. Ва ўша аёл билан учрашиб, у билан суҳбатдош бўлиш, дардимни айтиб, тасалли олиш истаги туғилди. “Дардингни айтсанг, енгиллашасан”, деб бежиз айтишмаганку. Мени тинглайдиган, тушунадиган қалбни излардим, ўша онда. Кўрсатуви суратга олиш жараёни онлайн, оффлайн қабулларни кутиб, анча кунлик навбатдан сўнг у билан учрашишга муваффақ бўлдим. Яратганининг изни билан, қолаверса, бизга тақдир қилинган ҳолатимизга шукрона қилиш билан қизимнинг аҳволи яхшиланди. Изланишларим, ўзимни янада чуқурроқ англашга интилишим, ҳолатларимни кузатишдан олинган хулосаларимдан руҳим анча қувват олди. Ушбу воқеа ҳаётимни, одамларга муносабатимни тубдан ўзгартирди. Унга шогирд тушдим, фақат тилда “Алҳамдулиллаҳ”, деб чекланиб қолаётганимизни, ҳақиқий шукр сероб неъматлар ичра яшайётганимизни, ҳаётингда мавжуд ҳар бир ҳолат учун розилик билдириб, таслимиёт руҳида яшашинг эканлигини англадим. Мўқаддас Китобимизнинг “Ва Роббингининг” Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман. Агар кудр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир”, деб эълон қилганини ҳам эсланг” (Иброҳим сураси 7-оят) хитобини қалбим ҳис қилдим. Тақдиримда менга битилаётган синовлар, мушкулотлар, улар орқали олаётган дарсларим – умуман, менга берилган неъматларнинг шукрини, унинг оқибатида келадиган зиёдасини ҳам ҳис қилдим. Тўғриси, ушбу соҳага қизиқишим ортиб бораверди, изланишга, ўз устимда ишлашимга илҳом бахш этди, рағбатлантирди. Қизим соғайиб кетди, ҳатто рақс тўғрисида қатнашиб, турли босқичдаги беллашуларда иштирок этиб, бир

хуржун медаллар соҳиби бўлдик. Оилавий муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Педагогика университетининг руҳшунослик факультетига ўқишга кирдим. Қизиги шундаки, шундай ҳолатлар кузатила бошладики, одамлар ўз-ўзидан мен билан ҳиссиётларини ўртоқлашадиган, бошига тушаётган синовларини менга айтиб, маслаҳат сўрайдиган, мен билан суҳбатлашиб, таскин, тасалли излайдиганлар кўпайиб бошлади. Одамларни тинглаб, уларнинг дардига дармон бўла олиш ҳолатларимни кузата бошладим. Авваллари “Тиббий тез ёрдам” соҳасида ишлаган бўлсам, вақт ўтиб, мен қалбларнинг, руҳий ҳолатларнинг “Тез ёрдам” хизмати ходимига айланиб қолдим. 2022 йилдан буён Шимкентга, сўнг Туркистонга бир неча бор таниқли журналист, руҳшунос Азиза Тошхўжаевани таклиф қилиб, семинар, машғулотлар ўтказдик. Руҳиятимдаги ижобий ўзгаришлар табиийки, оиламга, улардан ортиб яқинларимга ҳам сезила бошлади. Ҳар бир ҳолатимизга қалбим шукр қилишимиз ва буни амалда кўрсата олишимизга хусусида гапирганимда “ўзингдан сипони ясаб олма”, “оддий сўзларни илоҳийлаштириш-



нинг нима кераги бор”, каби таъна-дашномларга ҳам кўникиб кетдим. Умр йўлдошимга “сенинг аёлнинг хотинимизни йўлдан уряпти, ақл ўргатапти”, деган тухматлар қилишди. Аксарият ҳолатларда ўзлари тузуқроқ касбнинг бошини тутмаган, тўрт кишилик оиласини элаб бошқаролаётган, атрофдагиларга рўшнолик бермаётган инсонлар бошқаларни муҳокама қилиш, уларнинг ишига салбий баҳо бериш билан овера эканлар. Мустақил, ҳаётда анча довлонлардан ошган, маънавияти, руҳи, қалби тўқис инсоннинг, ишонинг, бошқа одам билан иши йўқ ва бунга вақтини ҳам қизғонади. Қизиги шундаки, тақдир тақозоси билан айнан шундай дашном қилганлар руҳий ёрдам сўраб, менга мурожаат қилишарди.

– Аёллар сизга, асосан, қандай муаммолари билан кела бошлашди?

– Ижтимоий тармоқларда ушбу йўналишда ишлани бошладим. Уларнинг кўпчилиги тушкунликда, руҳий зарба ҳолатида яшайётганига, ҳатто руҳан мослашиб қолганлигига ишонч ҳосил қилдим. Муаммоларнинг илдини кўп ҳолларда илмисизликда, инсоннинг ўзини яхши танимасликда экан. Ўз жонига қасд қилишгача борган аёллар билан ҳам ишлашга тўғри келди. Шундай руҳий ҳолатдаги, жонига қасд қилишга уринган тўрт нафар аёлнинг ҳаётга қайтиши, фарзандлари билан оила даврасида бахтли ҳаёт кечиришига сабабчи бўлганлигим мен учун улкан бахт. Аёлларимиз янги оилага келин бўлиб тушиб, оиладаги янги инсонлар билан тил топишиб кетиш, улар билан дуч келадиган муносабатлардаги муаммоларни йиллар мобайнида тажриба тўплаб, имкон қадар ижобий ҳал қилиб келишади. Бироқ умр йўлдошининг бегона аёллар билан муносабат ўрнатишларини руҳан қабул қилиши жуда оғир. Шунини алоҳида таъкидлардимки, мен бу ерда эркакнинг иккинчи, учинчи аёлни никоҳига олиш масаласини айтмайман, ваҳоланки, бу ҳолатда ҳам аёлга руҳий азият етказилиши, унинг янги шариғат маънавий тайёрланиши, мослашиши жоиз. Айни кунларда гап эркакларнинг номаҳрам аёллар билан муносабатлари ҳақида борапти. Мен бир нарсга доим ҳайрон қоламан. Нима учун биз қизларимизни оила илмига тайёрлаб бораемиз? Туғилиши билан қизларга сеп йўғамиз, “эртага борган оилангда раҳмат олиб келадиган келин бўлишинг керак”, деб болалигидан қулоғига қуямиз, бирон бир ишни сикидидиндан, пухта бажармаса, “эртага қайнонандан менга даққи эшиттирсан”, дея, унинг зиммасига масъулият қўлаймиз. Қиз бола уй юмушларини элай бошлаши билан, пишириқлар, миллий ва европача таомлар тайёрлаш, турли русумдаги кийимлар, парда тикиш, ҳатто тиббиётга қизиқиши ёки уқуви бўлса-бўлмаса “уй ҳамширалиги” курсларига юборамиз. Кейин эса келинлик курслари пайдо бўлди. “Келинлик”ни илм, деб қабул қилиб, қизларимиз янги оилага ўша илмини ўрганиб бори-

шяпти. Йигитларимизчи? Улар оила қуришдан аввал оила раҳбарлиги илмини ўзлаштиришлари керак эмасми? Ёки уларнинг ҳаммаси оилани бошқаришга, эр, ота, куёв мажбуриятларини рисоладагидек адо этишга тайёрми? Нима учун қизларимизни келинликка тайёрлагандек, ўғил фарзандларимизни ҳам куёвликка тайёрламаймиз? Авваллари йигитлар уйдабурро бўлишига, тadbиркорликка рағбатлантириш мақсадида, уларга нисбатан “кирк хунар оз”, деган мақол



ишлатиларди. Эндиликда, ушбу мақолни қизларимиз ва келинларимиз ўзларига мослаб оляпти ва аёлларимизнинг турли касбларни эгаллаб, рўзғор тебратиш учун уринишларига, жоиз бўлса, зўриқиларига ҳам гўёқ бўляпти. Никоҳ – муқаддас битим ва у Яратганининг амри. Унинг ҳақ ва мажбуриятлари икки томон зиммасига тенг масъулият юклайди. Айни кунларда икки, уч рўзғорли эркаклар сафи кенгайяпти. Агар оилалар ўртасида ҳар қандай жиҳатдан адолатли муносабат ўрнатилган бўлса, яхшику-я, бироқ... Йигирма йил мобайнида яшаб, умр йўлдошидан илтифот кўрмаган ё совға олмаган хотин, эрининг иккинчи оиласига нисбатан кўрсатаётган ҳурмат-эътиборини қандай қабул қилиши керак? Шундай оилалар борки, биринчи оиладаги аёл ханузгача оиласига бозорликни ўзи харид қилиб, кўтариб келади, иккинчи аёлга эса машина, қиммат кўп телефонлари, уй хизматларига кўмакчилар муҳайё, бюуртма таомлар уйга етказилади. Тушкун ҳолатни тасаввур қилдингиз. Аёлларимиз, даставвал, илм олишлари керак, ўз устида ишлашлари, ҳаётини юз бераётган воқеа-ҳодисаларга холисона қарашни ўрганишдан бошлаймиз. Бир ҳақиқатни унутмайлик: ҳаётингизга кириб келган ҳар бир инсон – биз учун дарс. 5-10 минг тенге маблаг сарфлаб, мутахассислар билан суҳбатлашиб, тажриба алмашгандан кўра, тамаддиҳоналарга бориб, икки ҳисса кўп пул сарфлаб, ғайбатлашиб, дардлашиб келгани хуш кўришди, илм олишини қўй тўрайлик, мактабдаги ўзбек тили ва адабиёти дарсликларига киритилган оддий ҳикоя, қиссаларни муталаа қилишмайди. Илмий китобларни айтмай қўяломайлик. Аммо фарзандларни китоб ўқимаса нолийди. Қиммат муқовали китобларни фарзандларингизга харид қилиб, жавонларни тўлдириб қўйинг, ўзингиз асарларни муталаа қилиб, оила даврасида муҳокама қилмасангиз, самара бўлмайди. Фарзанд тарбияси намунадан бошланади. Ҳар бир кунимиз режали бўлиши керак. Шунда беҳуда ишларга вақтимизни сарфламаймиз. Мени лол қолдирадигани, жуда кўпчилик аёллар Яратгандан вақтдан сўралшимизни билишмайди. “Бекорчидан Худо безор”, деганларидек, муаммоларимизнинг туб илдини ҳам бекорчиликдан келиб чиқади. Қўлингиз бўшми, ғайбат қиласиз, вақтингизни унумли сарфламайсизми, эрингизнинг телефонидаги ёзишмаларни титқилайсиз. Ундан кўра, изланинг, ижтимоий тармоқларда бепул фойдали илмий контентлар жуда кўп, вақтингизни унумли сарфланг, тил ўрганинг. Битмайдиган сериаллар билан руҳиятингизни чарчатманг, қаҳрамонлар ҳаёти билан эмас, ўзингизга ҳаётингизда, хозир ва шу ерда яшанг. Қўлингиз ишда, бандмисиз, китоб ўқишга имкон йўқ – ахборот асрида яшаймиз, аудиокитобларни тингланг. Автобусда, йўлда кетяспизми, йўловчиларнинг турли ур-йиқитлар, тўй машамшалари акс этган кўп телефонларда баланд овозда томоша қилиб кетаётган лавҳаларни сиз ҳам тинглашингиз шарт эмас. Қулоқчингизни тақинг, кунлик дарсларингизни тингланг, онлайн сабоқларингизни тақдорланг, ҳаётдаги янги англашларни ён дафтaringизга қайд этиб боринг.

– Оилалар билан ишлаш жараёнида яна қандай муаммоларга дуч келясиз?

– Афсуски, динимизни яхши билиб-билмай икки, уч рўзғорли эркаклар кўпаймоқда. Ачинарлиси, оилалардаги сербчилик, фаровонлик, эркакларни масъулиятли қилиш ўрнига кўпхотин-



